

Афина шаҳридаги масжиднинг очилиш вақти маълум бўлди



07:00 / 20.01.2019 2088

Юнонистон парламентида нутқ сўзлаган Таълим ва дин ишлари вазири Костас Гаврўғли Афинада анча вақтдан буён очилиши режалаштирилган масжидни шу йил март ойида расмий очилиши бўлиб ўтишини маълум қилган. Бу ҳақда IQNA хабар беради.

Унинг фикрига кўра, масжид қурилиши учун маблағ масаласида келишувга эришилган. Маълум бўлишича, 2017 йил бошида масжиднинг биноси ва таҳоратхонаси қуриб битказилган, фақатгина атрофини ободонлаштириш ишлари қолган эди. Бироқ айрим бюрократик асослар билан масжид очилиши ортга сурилиб келаётган эди. Умумий майдони 850 кв.м бўлган масжид, 350 кишига мўлжалланган.